

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

ЎРМОН ЁНҒОҒИ (CORYLUS) ТУРКУМИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ

## ДЕНДРОЛОГИК ТАВСИФИ

Эгамназаров Х. Ў.

Тошкент давлат аграр университети, таянч докторант

Эшанкулов Б. И.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, катта илмий ходим

### Аннотация

Ўзбекистон ватани бўлган ёнғоқмевали дарахт турларидан хандон писта, грек ёнғоғи, оддий ва бухоро бодоми табиий тарқалишидан ташқари катта майдонларда экилади. Бу турлар ёнғоқмевалари озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа саноат ишлаб чиқаришларида фойдаланишдан ташқари, уларнинг ўсиш шароитидан келиб чиқиб мелиоратив вазифани бажаради, экологик мувозанатга ижобий таъсир ўтказди. Охириги йилларда бу турларга сафига ўрмон ёнғоғини қўшишга ҳаракатлар бўлмоқда. Шу сабабли ушбу ёнғоқмева хақида тўлиқроқ маълумот тўплаш ва бизнинг шароитда ўсиш имкониятларини баҳолаш керак бўлади.

### Аннотация

Среди орехоплодных пород деревьев, произрастающих в Узбекистане, помимо естественного распространения, на больших площадях посажены фисташки, грецкие орехи, обыкновенный и бухарский миндаль. Помимо использования орехов этих видов в пищевых, фармацевтических и других промышленных производствах, исходя из условий их произрастания, они выполняют мелиоративную задачу и положительно влияют на экологический баланс. В последние годы были предприняты попытки добавить к этим видам фундук. Поэтому необходимо будет собрать более полную информацию об этом орехе и оценить возможности роста в наших условиях.

### Annotation

Among the nut-bearing tree species growing in Uzbekistan, in addition to their natural distribution, pistachios, walnuts, ordinary and Bukhara almonds are planted



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

over large areas. In addition to the use of nuts of these types in food, pharmaceutical and other industrial production, based on their growing conditions, they perform a reclamation task and have a positive effect on the ecological balance. In recent years, attempts have been made to add hazelnuts to these species. Therefore, it will be necessary to collect more complete information about this nut and evaluate the growth possibilities in our conditions.

## Кириш

Ўрмон ёнғоғини кўпайтиришда биринчилардан ҳисобланган Италияликлар Теофраст, Софокл, Вергилийлар ҳисобланади. XVIII - XIX асрларга келиб, Россияда биринчи бор ўрмон ёнғоғи тўғрисида илмий иш олиб борган биринчи рус олими, академик Андрей Тимофеевич Болотов бўлган. Ўрмон ёнғоғини плантацияларини саноат асосида барпо этиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор давлатларида амалда тадбиқ этилган. Бу йўналишда Россияда Э.К. Пчихачев, С.М. Мурсалов, В.Е. Осипов, С.Г. Биганова, В.Г.Махно, Ю.И. Сухоруких, Украинада И.С.Косенко, А.А. Балабак, Озарбайжонда Ш.И. Алиева, Д.А. Мамедов, каби олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда ўрмон ёнғоғи бўйича тадқиқот ишлари дастлаб Академик М.М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг тоғ боғдорчилик ва узумчилик Бўстонлик тумани филиали илмий ходимлари 1949 йили И.Б. Мичурин номли Бутуниттифок ўсимликшунослик институтининг Сочи, 1964 йили Майкоп тажриба станцияларидан уруғи келтирилиб, кўпайтирилиб, уруғларидан етиштирилган 140 та буталари устида селекция ишлари олиб борилиб, ўнлаб хўжалик ва биологик жиҳатлардан устивор шакллари ажратилган.

## Тадқиқот натижалари

Ўрмон ёнғоғи туркуми, Қайиндошлар -Betulaceae оиласига мансуб бўлиб, МДХ флорасида 10 та тури турли географик шароитларда учрайди. Ўрмон ёнғоғи - типик бута, фақатгина баъзи турлари дарахтсимон шакл ҳосил қилади. Оддий ўрмон ёнғоғи – *Corylus avellana* - барглари думалоқ ёки кенг овалсимон, кенг юраксимон шакл асосини ташкил этади; куртаклари катта 5 та кўп



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

тангачали; мева пўстлоғи ингичка калта ёки кенг трупкадек, кўп ҳолларда ёнғоқнинг оҳиригача бир томонидан трубача пўстлоқ ажралган.

Барглари кўпинча тескари тухумсимон, чўзинчоқ овал шаклда бўлиб, барг асоси думалоқ ёки юраксимон; куртаклари майда, одатда тишчали, ёнғоқ пўстлоғи тиканли - дағал тукли, трубка остида қатор бўлиб ёнғоқча жойлашган.



1-расм. Ўрмон ёнғоқининг табиий кўриниши

Ёш новдалари, барг банди ва мева пўстлоғи ингичка - майин, чирмашувчи зич туклар билан қопланган, ёнғоқ пўстлоғи кенг трубасимон бўлиб, ёнғоқидан икки баробар катта. Ёш новдалари, ёнғоқмева пўстлоғи ва барг банди зич туклар билан қопланган, баргларининг юқори қисми парраксимон тишчали бўлиб, барг узунлиги 1,5 - 2,5 см ни ташкил қилган, барг бандига эга.

Турлибарг ўрмон ёнғоғи - *Corylus heterophylla* - бўйи 1,5 - 2 м га етадиган кўп танали бута. Узоқ Шарқ бўйлаб кенг тарқалган: шимолдан 54 ш.к. (Зен шаҳри атрофида ҳам учрайди), ғарб томонидан Аргун дарёсига, шарқда Тинч океани соҳилларигача тарқалган. Тоғ олди ҳудудларида денгиз сатҳидан 300 - 500 м



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

баландликгача кўтарилиб, тоғ қияликларида қалин чакалакзорларни ҳосил қилади. Нина, япроқ ва аралашларда ўрмон ости бутазорларини ҳосил қилади. Амур вилоятида Монголия эмани устунлик қиладиган ўрмонларда, қайинзорларда, хатто қарағайзорларда ҳам ўса олади.

Турли хил тупроқларда ўса олади. Бой тупроқлардан то дарё ёқасидаги қумли, гилли лой ярим ботқоқ торфли тупроқларда, аммо чириндили бой тупроқларда яхши ўсади. Шулар билан бир қаторда ўрмон соясига ҳам яхши чидамлидир. Куртаклари майда, тухумсимон, кўплаб думалоқ майда тукли тангачалардан иборат, тўқ рангда; барглари йирик тескари овалсимон, йирик тескари тухумсимон, узунлиги 6 - 11 см ва энига 5,5 - 10 см, учки томони қисқарган ёнғоқмева пўстлоғи ёнғоғидан катта ва қўнғироқсимон шаклга эга, тук билан қопланган, лекин тиканаксимон, ёнғоғи шарсимон, қалин пўчоқ билан қопланган.

Эрта баҳорда барг чиқаришдан 3 - 4 ҳафта олдин гуллайди. Ҳосил беришни 4 - 5 ёшидан бошлайди. Оддий ўрмон ёнғоғи нисбатан ҳосилли йиллари камроқ. Мева сифати бўйича оддий ўрмон ёнғоғига ва ҳуштамлилиги нисбатан орқада ҳисобланади, мағзида 50 % дан камроқ ёғ бор, лекин озиқ - овқат ва техник ёғ кўп бериши бўйича кўрсаткичлари юқори ҳисобланади. Украинада барпо этилган ҳимоя ўрмонзорлари полосаларида эманга йўлдош дарахт сифатида энг яхши кўрсаткичларга эга бўлди, тупроқни қоплаб олиш ва дастлабки йилларда эман билан деярли бир хил ўсиш темпига эга эканлиги ва яхши шароит яратиб беради. Ўзининг ўта совуққа чидамлилиги билан Сибир ва Узоқ Шарқда плантациялар барпо этишга бўлган қизиқиш катта ҳисобланади. Манжурия ўрмон ёнғоғи - *Corylus manshurica* - бўйи 4 м га етадиган бута. Шарқдан Амур вилоятининг Бурен дарёсигача, Хабаровск ва Приморск ўлкаларида, тоғли ҳудудларида денгиз сатҳидан 700 м юқоригача кўтарилади. Куртаклари турли баргли ўрмон ёнғоғиникига нисбатан каттароқ, жами 3 - 4 оч тусли тангачалари бор; барглари думалоқ овалсимон ёки эллипсимон, учки қисми торайган ва ўткир; ёнғоқмева пўстлоғи трубасимон узун дағал тикансимон туклари бор; ёнғоғи ўткир уч билан тугайди, лекин пўчоғи юпка. Бу тур - япроқ баргли ва аралаш ўрмонларда ўрмон ости ўсимлиги бўлиб ўсади. Маданийлаштирилганда эса тик бўйли бутачага айланади. Тоғ зоналари, ялангликлари ва сайхонликларида чакалакзорларни ҳосил қилади.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Турли баргли ўрмон ёнғоғига нисбатан намсевар ва сояга чидамлироқ хисобланади.



2-расм. Ўрмон ёнғоғи барглари ва ёнғоқмевасининг кўрниши

Қисқақувирсимон ўрмон ёнғоғи - *Corylus Brevituba* - Узоқ Шарқда учрайдиган тур бўлиб, турли баргли ўрмон ёнғоғи ва манжурия ёнғоғи гибриди, чатишишидан ҳосил бўлган. Бўйи 3 м га етадиган катта бута ёки кичик дарахт. Тана пўстлоғи тўқ кулранг, ёш новдалари тукли, барглари асоси юраксимон бўлиб, думалоқ овал шаклда, юқори қисмидагилари парраксимон тишчали, мевалари 2 -3 тадан жойлашади. Ёнғоқмева пўстлоғи ёнғоғидан 1,5 - 2 баробар катта трубасимон, ташқи томонидан зич тукли, ёнғоғи учи тўмтоқ.

Дарахтсимон ўрмон ёнғоғи - *Corylus colurna* - бўйи 25 - 28 м, айримларини бўйи 30 - 32 м га етади, тана диаметри 50 см гача бўлиши мумкин. Пўстлоғи оч рангда, пўкаккли, дарахт тожи ингичка, деярли цилиндрсимон, юқоридаги турларига нисбатан барглари узун, барг банди бор, меваси 3 - 7 тадан йиғилган, ёнғоғи энига япалоқ, унча катта эмас, ёнғоғи ўзидан катта кўнғироқсимон



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

пўстлоққа эга. Ушбу тур Кавказнинг тоғли минтақаларида, Тебердин кўриқхонасида, Кубан дарёсининг юқори қисмида, Дзаужикау районида, Тушетиди, Доғистон, Кавказортида, Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида, Красная поляна атрофида, Абхазилда тарқалган. Кавказортидаги туманларида эман, қорақайин, граб ва заранг билан биргаликда ўрмонда биринчи ярусни ҳосил қилади. Ўзининг секин ўсиши, табиий бачкиларининг бўлмаслиги билан ажралиб туради. Бошқа турларга нисбатан кеч ҳосил беради. 200 ёшгача етади, касаллик ва зараркундаларга чидамли, лекин ҳосилдорлиги юқори эмас, меваси сентябр - октябр ойида пишиб етилади. Ёнғоқ меваси истеъмол қилинади, лекин ёғочининг қизғиш ранги учун жуда қимматбаҳо ҳисобланади. Жанубий ҳудудларда ўсадиган йирик мевали навлари билан чатиштириш орқали баланд бўйли ва ҳосилдор дарахтлар етиштирилган.

Механик таркиби энгил, ҳосилдор ва хаво яхши алмашинадиган тупроқларда яхши ўсади. Бошқа турлари билан солиштирганда, тупроқдаги намликни жуда кам сарф этиши ва қурғоқчиликка чидамлилиги билан устун ҳисобланади.

Йирик ўрмон ёнғоғи - *Corylus maxima* - бўйи 3 - 10 м га етадиган дарахтсимон бута. Кавказорти ва Қримда маданийлаштирилган. Тана пўстлоғи ва катта шохлари кулрангда. Ёш новдалари қизғиш-яшил рангда, зич жойлашади, куртаклари оч кўнғир рангда, гул куртаклари барг куртакларидан катта, барглари думалоқ-юраксимон ёки кенг овалсимон, қисқа ўткир ва парраксимон. Чангчи гуллари 10 см гача, ёнғоқмеваси катта, чўзинчоқ-тухумсимон ва цилиндрсимон, юпқа пўчоқли. Мағзида 50-60 % ёғ, 15% протеин бор.

## Хулоса

Ҳозирги кунда ўзбекистон шароитида оддий ўрмон ёнғоғи Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида яхши ўсиб ривожланмоқда. Юқорида кўрсатилган турлардан ҳам мамлакатимизнинг турли ҳудудларида аҳоли хонадонларида ўстирилаётган бўлиши мумкин. Уларни топиш, турини аниқлаш ва улардан селекция манбаи сифатида фойдаланиш ҳамда мамлакатимизда кенг миқёсда экиш учун тавсия бериш имконияти пайдо бўлади.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Булыгин Н.Е. Дендрология. Ленинград “Агропромиздат”-1991. С.192-193.
2. Кайимов А.К., Бердиев Э.Т. Дендрология. “Фан ва технология” Тошкент-2012. 243-245 б.
3. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Лесной\\_орех](https://ru.wikipedia.org/wiki/Лесной_орех)



# E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE  
SERIES